

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Манзура Абдурахмоновна Норкузиева

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларни касбга мослаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлашда педагогик - психологик ёндошув масаласига эҳтибор қаратилган

Калит сузлар: компитентлик, замонавий педагогик, анъанавий таълим, барқарор фаолият, педагогик дунёқараши, касбий мажбурияти, педагогик қобилиятлар, мотивация, таълим, тарбия, хис – туйғулар, диккат.

ABSTRACT

This article focuses on the pedagogical-psychological approach to the professionalization of future teachers and their sustainability.

Keywords: competence, modern pedagogy, traditional education, sustainable activity, pedagogical outlook, professional commitment, pedagogical abilities, motivation, education, upbringing, emotions, attention.

КИРИШ

Бугунги кунда таълими тизимининг барча бўғинлари учун ўқитувчиларни тайёрлашга алоҳида эҳтибор берилмоқда. Таълимнинг барча бўғинларида дарс берадиган ўқитувчилар юқори компитентликка эга бўлиши билан бир қаторда, замонавий педагогик ва коммуникацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий билимга эга бўлган ва ўз билимини ёш авлодларга етказиб бера олиш имкониятини ўзига ярата олган бўлиши шарт. Маълумки, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида анъанавий таълим тизими билан бир қаторда масофавий таълим шаклида дарс ўтиш зарурияти юзага келдию Айнан шу пайтда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштира олмаган ўқитувчилар қийинчиликларга дуч келди. Бу педагогик- психологик жихатдан ўқитувчига ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Дунёнинг мавжудлиги, кишиларга доимий равишда сир – асрорларга бой оламини яққол кўрсатиб туради. Чунончи, вирусларнинг кенг кўламда тарқалиши одамларни ваҳимага солиш билан бир қаторда ҳаётларини хавф

остига кўйди. Иқтисодга катта зарар етказди. Одамларнинг яшаш шароитларини қисман бўлсада ўзгартириб юборди. Мана шундай вазиятда ҳам ўқитувчилар ўз устиларида кўпроқ ишлаб ёш авлод тарбиясининг узликсизлигини таъминлаш кераклигини ҳеч қачон унитмади. Буни амалга ошириш учун маънавий жасорат сохиби сифатида ўз педагогик фаолиятларини амалга ошириб келди. Бу ўз навбатида педагогларнинг касбда барқарор фаолият олиб бориш малакасининг шаклланганлигини билдиради.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда, касбий барқарорлик кўникмаларини шакллантиришда уларга жамиятдаги ўрни, педагогик дунёқараши, касбий мажбурияти ва вазифалари ҳамда педагогик қобилиятлар тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилади. Бунда ҳар бир бўлажак ўқитувчига жамиятда ўзини қандай тутиш борасида маълумотлар бериши билан бир қаторда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган педагогик фаолият шакллантириб борилади. Мисол учун ўқитувчилар фаолиятига бағишланган бир қатор бадий фильмларни намойиш қилиш орқали бўлажак ўқитувчиларни рухан касбий барқарорлика эришиш мотивациясини ошириб бориш мукин. ("Француз тили дарслари", «Ўлик шоирлар жамияти» "Ўқитувчи ўрнига", «Хурматли Елена Сергеевна», "Абдулла Авлоний" каби фильмлар)

НАТИЖАЛАР

Бугунги куннинг замонавий имиджига эга бўлган ўқитувчи ўзини бутунлай сифат жихатидан ўзгартирган, ижодкорлик қобилиятларини тўлиқ намоён эта олган, юксак маънавиятга эга бўлган ва шахсий педагогик концепциясини яратган бўлиши керак. Буни бўлажак ўқитувчиларга тушунтиришда олий таълим ўқитувчисидан юксак даражадаги билим ва педагогик маҳорат керак бўлади. Буни амалга ошириш учун олий таълим ўқитувчиси талабаларга:

- "Таълим тўғрисида"ги Қонунинг мазмун моҳиятини тушунтириб бериши;
- Педагогик фаолиятнинг мазмунини етказишда замонавий талабларни бажариши;
- Таълим мазмунинга замонавий ёндошуви;
- Таълим ва тарбия қонуниятларини ва уларнинг мазмунини тушунтириши;

- Таълим жараёнига рухан тайёрлаб бориши;
- Диққатни тақсимлай олиш малакасини ошириб бориши;
- Таълим мазмунини идрок қилдиришга ўргатиши;
- Хотира машқини бажаришга одатлантириш;
- Ҳис – туйғуларни ўз вақтида жиловлашга, бошқаришга ўргатиб бориши;
- Иродасини чиниқтириб бориши каби машқларни ўргатиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда мотивациянинг ўрнини алоҳида ёритиб бериш ҳам аҳамиятлидир.

Мотивация -Мотивация (лот. movere) — ҳаракатни уйғотмоқ; рухий-физиологик режанинг динамик жараёни, инсон ҳаракатини бошқариш, мақсад сари етакловчи восита, ташкиллаштириш, фаоллик ва бардошлилик каби маъноларни англатади. Мотивация ҳис-туйғуга, ишонч эса ақлга боғлиқдир. Мотивация инсонга танлаш имкониятини бериб, уни бирор ишга асло мажбурламайди. У бу ишни ўз ички ҳис-туйғуларидан келиб чиқиб фаол амалга оширади.

МУҲОКАМА

Педагогик соҳада барқарор фаолият юритиш имконияти биринчи навбатда олий таълимда яратилиши шарт. Бунда:

- Талабаларга педагогик соҳага оид билимларни беришда олий таълимнинг ички инфратузилмаси жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бериши керак

- ахборот ресурс марказида дарсликларнинг янги авлоди, талабаларга доимий равишда тақдирот шаклида тавсия қилиниб бориши.

- Профессор – ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар тўлақонли фаолият олиб боришлари учун, ўқув хоналари, ахборот ресурс марказлари, спорт заллари, маданият заллари ёзда салқин. Куз қиш ойларида эса иситилган бўлиши керак.

- Ҳарбирўқувхонасизамоनावийахборотвателекоммуникационвоситаларби ланжихозланган бўлиши

- Ўқитувчиларни доимий равишда моддий жиҳатдан рағбатлантириш тизими яхшийўлгақўйилган бўлиши ватакомиллаштирилиб бориши

- Ҳар ўқув йилининг охирида 13 – маош ҳаққининг тўлаб берилиши

- Ўқитувчиларнинг соғлиғини назорат қилиш ва уларни ўз вақтида даволаниш учун зарурий чораларни кўриши. Мағблағлар билан таъминланиши педагогик фаолиятга ижобий таъсир этади.

- Профессор – ўқитувчилар фаолиятига аралашмаслик, уларни эркин фаолият юритишига имконият яратиш. Ортиқча текширишлар, қоғозбозлик иллатларидан қутқариш, қотиб қолган қолипдан чиқишига имкон беришда видео кузатувлардан хулосачиқариш.

ХУЛОСА

Талабаларга уларни танлаган сохаларида бахтиёр фаолият юритишига имконият яратиш мезонлари қуйидаги чизмада акс этирилди.



Демак, таълим тарбия жараёнларида бўлажак ўқитувчиларда, касбий барқарорлик кўникмаларини олий таълимда шакллантириб бориш керак. Шу

билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларга мотивация бериб турадиган тизимнинг борлигидан самарали фойдаланиш орқали касбга мухаббат ва касбда бахтиёр фаолият юритиш имкониятининг яратилишида педагогик ва психологик билимлар муҳим рол ўйнайди.

REFERENCES

- 1..Кушвактов Неъмат, Юнусов Дилшод. “Талабаларда педагогик ҳурфикрликни шакллантириш ва ривожлантириш методикаси”. Тошкент 2019 Фан нашриёти 70 бет
- 2.М.А.НорқўзиеваБўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда буюксиймоларнинг роли Самарқанд 2020
- 3.Norquzieva. MThe role of educational technology in shaping the professional stability of students
- 4.Norquzieva. MEnsuring professional stability of future teachers in pedagogical activity European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020
5. КушаковаГулнораЭгамкуловнаTolerant school children – the future of promising Uzbekistan AcademiciaAn International Multidisciplinary Research Journal (SCOPUS) 1378-1388 б.
- 6.НорқўзиеваМанзураАбдурахмоновна European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Ensuring professional stability 48-52 б.
- 7..РахмонкуловаХолидаБосимовнаRiddle as a means of speech development in preschool children academiciaAn International Multidisciplinary Research Journal (SCOPUS) 300-306
8. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.
9. Хасанова, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ. Academic research in educational sciences, 2(1).